**“BIOKIMYO” акциядорлик жамияти**
**Кузатув кенгашининг навбатдаги йиғилиши**
**№6-сонли**
**Б А Ё Н Н О М А С И**
**К Ў Ч И Р М А**

Янгийўл шахар
Кимёгар кўчаси, 1 **28 октябрь 2016 йил**
Соат 11-00

Раислик қилди: Э.Уралов

Қатнашдилар:
Кузатув кенгаши аъзолари: З.Якубов, Ш.Х.Ортиқов
А.Мусахоний, Ф.Д.Ишкабилов,
Ю.Прошурина

***Йиғилиш ваколати 85,71 %***

Ижроия органи раиси ва аъзолари С.С.Шамшиев, Ш.Э.Мирзаев
У.А.Хайдаров, А.Р.Мансуров
К.А.Хусанов
Таклиф қилинганлар: Б.Юсупов, А.Абдухамедов, К.Меметова,
М.Каратаева

*Йиғилишда Э.Уралов раислик қилди.*

*Баённома тузилган сана* ***31 октябрь 2016 йил***

Йиғилиш раиси Э.Уралов сўзга чиқиб, бугунги йиғилишда кузатув кенгашининг олтита аъзолари қатнашаётганлиги, кузатув кенгаши аъзоси Б.Н.Ишматов узурли сабабларга кўра, яъни жамиятнинг 13.09.16 йилдаги №268/хб-сонли буйруғига асосан Жиззах вилоятида пахта йиғим теримини ташкиллаштириш мақсадида жавобгар масъул шахс сифатида сафарбар килинганлигини, кузатув кенгашининг қолган барча аъзолари иштирок этаётганлигини, мажлис кворуми 85,71% ни ташкил этиб йиғилиш ўтказиш ваколатига эга эканлигини айтиб ўтди ва йиғилиш очиқ деб эълон қилиб, йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни таклиф қилди:
:

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

11. Жамиятнинг Ижроия органи-Бошқарув таркибидаги ўзгартиришлар хақида.

Йиғилиш кун тартиби бўйича қўшимча таклиф тушмади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кузатув кенгаши аъзоларидан ушбу йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш учун қўл кўтариб овоз беришларини сўради.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овоз бериш натижалари қуйидагича:
***Тарафдор –100 %,*** ***Қарши – йўқ*** ***Бетараф – йўқ***
Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

YANGIYO'L TUMAN
«BIOKIMYO» AKSIYADORLIK JAMIYATI
ASLIGA TO'G'RI
« » 20

IDORA

Йиғилиш кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласи** бўйича кузатув кенгаши аъзоси З.Якубов сўзга чиқди.

У Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 14 октябрдаги ПК-2632 сонли "А.А.Хаитов Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори лавозимига тайинлаш тўғрисида" ги Қарори билан Актам Ахмадович Хаитов Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори лавозимига тайинланганлиги муносабати "BIOKIMYO" АЖ нинг иқтисодиёт ва режалаштириш бўйича директори лавозимидан озод этилганлигини, шу сабабли жамиятнинг Бошқарув таркибида ваколати тугатилиши масаласи кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқилиши лозимлигини айтди.

Йиғилиш аъзоларининг мухокамасидан сўнг, кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 14 октябрдаги ПК-2632 сонли "А.А.Хаитов Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори лавозимига тайинлаш тўғрисида" ги Қарори маълумот учун қабул қилишни ва Актам Ахмадович Хаитовнинг жамият Бошқарув таркибида ваколатини тугатиш таклифига овоз беришди.

Овоз бериш натижаси:

***Тарафдор –100%, Қарши – йўқ, Бетараф – йўқ.***

Юкорида баён қилинганларга асосан Кузатув кенгаши қарор қилди,

**К А Р О Р :**

10. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 14 октябрдаги ПК-2632 сонли "А.А.Хаитов Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори лавозимига тайинлаш тўғрисида" ги Қарори маълумот учун қабул қилинсин ва Актам Ахмадович Хаитовнинг жамият Бошқаруви таркибида ваколати тугатилсин.

**Раислик килувчи** **Э.Уралов**

**Кенгаш аъзолари:**

З.З.Якубов А.Г.Мусахоний

Ш.Х.Ортиқов Ф.Д.Ишкабилов

Ю.Пронкурина

YANGIYO'L TUMANI
BIOKIMYO AKSIYADORLIK JAMIYATI
ASLIGA TO'G'RI
« » 20 yil

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «O'ZSPIRTSANOAT» AKSIYADORLIK KOMPANIYASI YANGIYO'L TUMAN KIMYOGAR 1 «BIOKIMYO» AKSIYADORLIK JAMIYATI
IDORA